# АВАРИЯ САБОҚЛАРИ

21 август куни совет ва чет эл журналистлари Чернобиль АЭСидаги авария сабаблари ва унинг оқибатлари тўғрисида қисқача ахборот олдилар. СССР ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиққан СССР атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитетининг раиси А. М. Петросьянц авария сабаблари ва унинг оқибатлари тўғрисидаги батафсил ахборот Атом энергияси халқаро агентлигига тақдим этилди ва у 25 август куни МАГАТЭга аъзо бўлган мамлакатлар техник экспертларининг кенгашида маълум қилинади, деди.

26 апрель куни Чернобилда рўй берган фожиали воқеага нима сабаб бўлди? А. М. Петросьянц бу саволга жавоб қайтариб шундай деди:

— КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ҳукумат комиссиясининг маълумоти юзасидан матбуотда эълон қилинган қарорида авария АЭС ходимлари станциядан фойдаланишда йўл қўйган бир қанча қўпол нуқсонлар натижасида рўй берганлиги айтиб ўтилди. Станциянинг тўртинчи блоки 1983 йилнинг декабрида ишга туширилган эди ва бошқа блоклар каби жуда қониқарли ишлаб турганди. Масалан, 1985 йилда станция қувватдан фойдаланиш яхши коэффициентига эга бўлган 29 киловатт-соат электр энергия ҳосил қилган эди. Станциянинг узлуксиз ишлаб турганлиги қандайдир бепарволик ва хотиржамликка олиб келган бўлиши мумкин. Бу эса пировард натижада оғир оқибатларга олиб келган масъулиятсизлик, совуққонлик, интизомсизликнинг билвосита сабаби бўлган бўлиши мумкин.

Тўртинчи блок икки йил ишлагандан кейин АЭС дирекцияси томонидан режалаштирилган ремонт ишлари учун тўхтатилиши олдидан трубогенераторлардан бирини синаб кўриш мўлжалланган эди. Текшириш чоғида синов программасининг сифати пастлиги, зарур хавфсизлик тадбирлари кўзда тутилмаганлиги аниқланди. 25 апрель куни соат 14 да реакторни авария ҳолатида совутиш системаси тўхтатиб қўйилди ва эксперимент ижрочилари синовларни бошламоқчи эдилар, бироқ Киев энергодиспетчерининг талабига мувофиқ, блок ишини тўхтатиб қўйиш кечиктирилди ва у 26 апрель соат 1 дан 23 минут ўтгунча, яъни авария юз берган пайтгача авария ҳолатида совутиш системаси тўхтатилган ҳолда ишлаб турди. Авария учун айбдор бўлган кишилар қаттиқ жазоланди.

И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институти директорининг биринчи ўринбосари академик В. А. Легасов авария сабабларини тадқиқ этиш билан шуғулланган экспертлар катта группасининг синчиклаб олиб борган ишлари тўғрисида журналистларга гапириб берди. Журналистлар олимларга берган кўпгина саволлар авария оқибатларининг одамлар соғлиғига, атроф муҳитга таъсирига тааллуқли бўлди. СССР Медицина Фанлари академиясининг вице-президенти Л. А. Ильин ва СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитетининг раиси Ю. А. Израэль мана шу саволларга жавоб бердилар. Авариядан кейин даволанаётган кишиларнинг соғлиғи яхши, уларнинг кўплари санаторийлар ва дам олиш уйларида соғломлаштириш курсидан ўтяптилар. Аммо шу кишиларнинг ҳаммаси синчиклаб қилинадиган медицина назоратидан ўтиб туради. СССР Медицина Фанлари академиясининг Киевда барпо этилаётган радиацион медицина маркази шу ишни мувофиқлаштириб ва йўлга солиб, тадқиқотлар олиб боради. Авариянинг табиий муҳитдаги оқибатлари доимо назорат этилмоқда. Днепр ҳавзасидаги дарёлар сувининг ҳолати қониқарли. Магазинлар ва бозорларга келтирилаётган барча маҳсулотлар қаттиқ дозиметрик назоратдан ўтказилмоқда.

СССР ташқи ишлар министрлиги ядро энергиясидан ва космосдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш масалалари бўлимининг мудири К. Назаркин Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетасининг мухбири берган саволга жавоб қайтариб, шу йил май ойида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев олға сурган таклифлар бутун дунёда кенг кўламда қўллаб-қувватланмоқда, деб таъкидлади. Яқинда Венадаги кенгашда ишлаб чиқилган конвенцияларнинг лойиҳалари атом энергетикасини хавфсиз ривожлантириш системасининг энг асосли элементлари бўлиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, бугун журналистлар тафсилотларини билиб олган авария огоҳлантиради. Огоҳлантирганда ҳам атомчи-мутахассислар, энергетикларнинг ўзларинигина эмас. М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали берган баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, бу воқеа ядро қуроли ишга солингудек бўлса, нималар рўй беришига ибратли сабоқ бўлди. Совет Иттифоқи ядровий портлашларни ўз ихтиёри билан тўхтатиб турганлиги ва 18 августда унинг муддати яна узайтирилганлиги бу хавф-хатар йўлига яна битта ғов солади. Бу доноларча қабул қилинган тадбир дунё халқлари ядро-космик асрнинг қудратли кучлари фақат одамларнинг фаровонлигига сарфланади, деб умид қилишларига имкон беради.

**(ТАСС мухбири).**







**ПАРКЕНТ районидаги «Ленинобод» совхозининг Ҳолбой Тожибоев бошчилик қилаётган бригадаси боғбонлари бу йил мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда етилган ҳосилни йиғиб-териб олиш уюшқоқлик билан бораяпти. Соҳибкорлар бу йил 72 тонна мева ва 350 тонна сархил узум етказиб беришга аҳд қилишган. Суратларда: (чапдан) бригаданинг илғор ишчиси Ҳадича Аширова; Ҳадича Аҳмаджонова ва Ҳадиса Бековалар шафтоли сифатини кўздан кечиришмоқда; мўл ҳосил нишоналари.**

Н. Шарипов фотолари.

## ПЕШҚАДАМ БРИГАДА

ТОШКЕНТ районидаги Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари давлатга сабзавот маҳсулотлари топширишда район хўжаликлари ўртасида пешқадамлар сафида боришмоқда. Улар ҳозиргача эл дастурхонига йиллик планнинг 75 проценти миқдорида сархил маҳсулотлар етказиб беришди. Бу муваффақиятга хўжаликнинг Файзи Мираъзамов бошчилик қилаётган 8-бригадаси сабзавоткорлари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар.

Бригада миришкорлари шу кунгача давлатга 703 тонна ўрнига 752 тонна ҳосил топшириб, йиллик планларини 106 процентга бажариб қўйишди. Пешқадамлар етилган сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида йиғиб-териб қабул пунктларига етказиб беришни давом эттирмоқдалар. Бригаданинг З. Обидов, Я. Ўтамуродов сингари аъзолари дала ишларини оби-тобида бажаришда барчага ўрнак бўлмоқдалар.

**М. РИХСИЕВ.**

## ЦЕХЛАРДА КИНОЛЕКТОРИЙ

ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати цехларининг қизил бурчакларида динга қарши фильмлар кўрсатилди. Корхона партия комитети ҳузурида очилган атеистлар секцияси активларининг ташаббуси билан шундай фильмлар намойиш қилинадиган бўлди. Атеистлар «Билим» жамиятининг лекторлари билан бирга коллективларда ислом дини ва христиан динининг реакцион моҳиятини очиб берувчи суҳбатлар ўтказдилар.

Кинолекторий фаолиятининг катта программаси ишлаб чиқилди, якка суҳбатлар ўтказилмоқда, «Ҳужумкор атеизм», «Динга қарши курашда илм-фан» мавзуларидаги китоб кўргазмалари ташкил этилди.

**(ЎзТАГ мухбири).**

ҲЕЧ КИМ УНУТИЛМАЙДИ

## 11 ЙИЛДАН БЕРИ... ЎША ЙИГИТ УЧУН

ОЛМАЛИҚДАГИ химия заводининг 2-аммофос цехидаги «Г» смена коллективи ўз сафларига Совет Иттифоқи Қаҳрамони Неъматжон Ҳакимовни фахрий аъзо этиб қабул қилганларига 11 йил бўлди. Совет халқи фашистлар устидан қозонилган Ғалабанинг 30 йиллиги арафасида «Ўзим учун ва ўша йигит учун» шиори остида ишлаётган Т. Рамазаков бошлиқ «Г» смена меҳнатчилари урушда ҳалок бўлган Н. Ҳакимовнинг Андижон шаҳрида яшовчи оиласи билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар.

Смена коллективи Неъматжон учун ҳам ишлаб унинг иш ҳақини тинчлик фондига ўтказиб келмоқдалар. Бу коллектив сменалараро мусобақада доим пешқадамлар сафида бормоқда.

**Х. НАЗАРОВ.**

# ТЕННИСЧИЛАР ҚАЕРГА БОРИШСИН?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1981 йилда қабул қилган «Республикада теннисннг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари» тўғрисидаги қароридан сўнг теннисни янада оммалаштириш учун кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди. Спортнинг бу тури нафақат республикамиз пойтахтида, балки Тошкент областининг Олмалиқ, Чирчиқ шаҳрида ҳам оммалашмоқда. Айни пайтда шаҳарлар ва район марказлари ҳамда турар-жой массивларида янги-янги спорт комплекслари, теннис кортлари қурилмоқда. 9 август куни Бутуниттифоқ физкультурачилар байрамида Киров районидаги Юнусобод массивида фойдаланишга топширилган «Искра» маданий спорт комплекси фикримизнинг далилидир. Мазкур спорт комплексида 6 та теннис корти, 2 та футбол, баскетбол, волейбол майдончалари мавжуд. Шунингдек, бу ерда саломатлик шаҳарчаси ҳам ишлаб турибди. Келгусида сузиш бассейнлари қуриш режалаштирилган. Илгари Юнусобод массивида спорт иншоотлари, майдончалари йўқ эди. Шу туфайли бу ерда истиқомат қилувчи ота-оналар ўз фарзандларини спорт комплекси очилмасдан олиб кела бошлашди. Уларнинг истагини инобатга олиб «Меҳнат» жамияти тренерлари спорт иншооти очилишидан 1 йил олдиноқ машғулотлар ўтказишни йўлга қўйдилар.

Бундан ташқари массив атрофидаги мактаб болалари, боғча тарбияланувчилари ҳам шу группаларда иштирок этишмоқда. Ҳозирги вақтда теннис мактабида 300 дан ортиқ ўғил-қизлар шуғулланмоқда. Уларнинг аксарияти оммавий спорт разрядига эгадир. Лекин очиғини айтиш керак. Кейинги йилларда республикамизда спортнинг теннис тури бирмунча ривожланганига қарамай, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан кўп жойда спортнинг бу тури учун керакли асбоб-анжомлар, ҳатто оддий ракеткалар, теннис коптоклари етишмайди. Бундан ташқари ҳозирги мавжуд теннис кортлари торлик қилиб қолди. Шу туфайли спортчилар билан саломатлик группасида иштирок этаётган ҳаваскор теннисчилар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлмоқда. Чунки, майдонда малакали спортчилар шуғулланаётган вақтда ҳаваскорлар кутиб қолмоқда. Ёки бўлмаса бунинг акси. Теннис майдончаларини кўпайтириш борасида Киров райони ташкилотлари ташаббусини кенг оммалаштириш керак.

**ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИНИНГ СПОРТ ЭШИТТИРИШЛАРИ БОШ РЕДАКЦИЯСИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ ҚЎШМА РЕЙДИ**

Кўпгина спорт иншоотларида мавжуд теннис кортларидан яхши фойдаланилмаётганлиги ачинарлидир.

Биз В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Старт» спорт клубида бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Клубга кираверишдаги теннис корти бўм-бўш эди. Ўқув-машғулотлар бўлими мудири Вячеслав Кузьмичев бизга стол тенниси анча ривожланганлиги, ҳозирги кунда спортнинг бу тури бўйича бирлашманинг 30 га яқин ишчиси шуғулланаётганлиги, секция аъзолари турли мусобақаларда яхши натижаларга эришаётганлиги ҳақида мағрурланиб гапирди. Лекин аслида 10 минглаб кишилар меҳнат қилаётган бирлашмада бор-йўғи 30 ишчи-хизматчининг спортнинг бу тури билан шуғулланиши нормал ҳол эмас-ку! Шунингдек, бу ерда катта теннисни оммалаштиришга ҳам мутлақо эътибор берилмаяпти.

Пойтахтимиздаги «Локомотив» спорт комплексидаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Бир неча йил илгари бу спорт комплекси темирйўлчиларнинг севимли даргоҳи эди. Кейинчалик эса «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти, Ўрта Осиё темирйўл бошқармаси ҳамда Тошкент темирйўл бўлими раҳбарлари ана шу стадионни реконструкция қилишга қарор қилдилар. Мавжуд теннис кортлари, футбол майдони, енгил атлетика йўлкалари ва бошқа майдончалар бузиб ташланди. Буларнинг ўрнида янгиларини қуриш режалаштирилди. Дастлаб иш анча жадал борди. Лекин орадан кўп ўтмай реконструкция ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мана, қарийб 3 йилдирки, ҳанузгача қурилишнинг ниҳояси кўринмаяпти. Бу ҳақда республика матбуотида ҳам бир неча марта танқидий чиқишлар бўлди. Бироқ, шунга қарамай ҳали қурилишда бурилиш ясалгани йўқ.

Биз шу кунги рейд давомида бошқа спорт комплекслари, клубларда ҳам теннисни ривожлантиришда талайгина камчилик-нуқсонларга дуч келдик. Уларни бартараф этиш кўп сонли теннисчиларни кортларга жалб қилиш масаласини ҳал этган бўлур эди.

**А. ПУЛАТОВ,**
**Ўзбекистон радиосининг спорт эшиттиришлар бош редакцияси редактори.**

**А. ҲАКИМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.**

(Ушбу рейд ҳақидаги эшиттиришни республика радиосининг биринчи программаси орқали 23 август куни соат 16.30 да тинглашингиз мумкин).

25—31 АВГУСТ

# «ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА

## 25 август, душанба

**МОСКВА-I.** 9.00 — «Время». 9.50 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 10.50 — «Пакет». Бадиий фильм. 12.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «Онамларнинг мактаби». 16.25 — Фильм-концерт. 17.00 — Илмий-оммабоп фильм. 17.30 — «Горнчилар, қаердасиз!» 18.00 —Вокал дуэтлар. 18.20— «Ишчилар йиғилиши». 19.00 — Мультфильм. 19.15 -- «Дунё воқеалари». 19.30 — Илмий-оммабоп фильм. 19.45 — «Жадаллаштириш». 20.15 — «Ўғирланган бахт». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ўғирланган бахт». Бадиий фильм, 2-серия. 23.10 — «Дунё воқеалари».

**МОСКВА-II.** 20.00 — СССР халқларининг IX ёзги Спартакиадаси. 20.30 -- «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — Академик эшкак эшиш. Жаҳон чемпионати. 21.30 — «Время». 22.05 — Футбол. «Зенит» — «Шахтёр».

**ТОШКЕНТ-I.** 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 — «Ватанимни шарафлайман». 8.10 — Телефильм. 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильмлар. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Ўқувчилар бригадасида». 18.45 — Мультфильм. 19.00 —«Ёшлик». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телефильм. 20.00 — Ҳ. Салоҳ ижоди. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Дарё орти, олис қишлоқда». Бадиий фильм. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

**ТОШКЕНТ-II.** 18.00 — Кинопрограмма. 18.55 — «Зарница —86». 19.30 — «Қонли тош». Бадиий фильм. 20.50 — «Яхши кайфият хизмати». 21.30 — Москва-II.

## 26 август, сешанба

**МОСКВА-I.** 9.00 — «Время». 9.45 — «Ўғирланган бахт». Бадиий фильм, 1 ва 2 сериялар. 12.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — «Ерда, самода ва денгизда». 16.45 — «Дастхат» Адабий викторина. 17.55 — «Нега ва нима учун». 18.25 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — «Фан ва турмуш». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — «Ҳушёрлик — ҳаёт нормаси». 20.25 — Рус санъати. 21.30 — «Время». 22.05 — Шахмат. Жаҳон чемпионати. 22.15 — «Ғилоф бандаси». Бадиий фильм. 23.35 — «Дунё воқеалари».

**МОСКВА-II.** 9.00 Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Мультфильм. 9.45 — Ўқувчиларнинг энергетика институтининг директори Ю. Н. Руденко билан учашуви. 10.30 — «Будильник». 11.00 — «Физика ва техника». 11.30— Воронеж телевидение студиясининг программаси. 12.35 — «Шаҳар товушлари». Бадиий фильм, 1 ва 2 сериялар. 14.15 — Француз тили. 14.45 — Фильм-концерт. 15.05 — «Рус тили». 15.35 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.30 — Ритмик гимнастика. 20.00 — «Музикали киоск». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05 — «Бир пайтлар Калифорнияда». Телеспектакль. 23.20 — Музикали кўрсатув.

**ТОШКЕНТ-I.** 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — «Пионер телетайпи». 8.10 — Телефильм. 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Фильм-концерт. 9.00 — Телефильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Биринчи концерт». 18.45 — «Касбим — фахрим». 19.15 — Мультфильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — «Сув танқислиги сабоқлари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — «Время». 22.05— «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 23.05 — «Бугун оламда нима гап». 23.20 — Телефильм.

**ТОШКЕНТ-II.** 9.00 — 15.30 Москва-II. 18.00 — Телефильм. 18.25 — «Классик куй саҳифалари». 19.10 — «Қувноқ шаҳарча». 19.45 — «Болагинам». Бадиий фильм. 21.00 — «Енгиндан сақланинг!» 21.30 — Москва-II.

## 27 август, чоршанба

**МОСКВА-I.** 9.00 — «Время». 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.15 — А. Мельников чалади. 10.45 — «Ғилоф бандаси». Бадиий фильм. 12.05 ва15.00 —Янгиликлар. 15.15 — Телефильм. 16.30 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.00 —«...16 ёшгача ва ундан катталар». 17.45 — «Каменка. Беш йил ўтгач». 18.15 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 18.45 — «Инсон ва қонун». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 —Енгил атлетика. Европа чемпионати. 19.55 — «Кузги марафон». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Кинопанорама». 22.35 — «Дунё воқеалари». 23.50 — Енгил атлетика. Европа чемпионати.

**МОСКВА-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.45 — Концерт. 10.45 —«Олий мактаб: қайта қуриш муаммолари». 11.15 — Ўсмирлик симфонияси. 11.50 — Мультфильм. 12.00 — «Кичик шаҳзода». Я. Смоленский ўқийди. 1-қисм. 12.40 — «Шаҳар товушлари». Бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 14.10 — Немис тили. 14.40 — «Биргаликда аҳил оиламиз». 15.10 — «Здоровье». 15.55 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — СССР халқларининг IX ёзги спартакиадаси. От спорти. 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.45 — «Ҳамдўстлик». 21.15 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05— «Музика, ёз ва биз». 23.25 — «Сиз бунга қодирсиз».

**ТОШКЕНТ-I.** 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — «Янги ўқув йилига тайёргарлик». 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильмлар. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Қўғирчоқ фильм. 18.25 — «Ёшлик». 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Мактаб ислоҳоти — ҳаётга!» 20.15 — Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Менинг ўрнимга от». Бадиий фильм. 23.20 — Телефильм.

**ТОШКЕНТ-II.** 18.00 — Телефильм. 18.20 — «Пионер телетайпи». 18.40 — Совет киноси кунига. 19.50 — Ритмик гимнастика». 20.10 — «Интенсивлаш — беш йиллик шиори». 20.40 — «Унутилмас сатрлар». 21.00 — Халққа кўплаб истеъмол моллари етказиб берайлик! 21.30 — Москва-II.

## 28 август, пайшанба

**МОСКВА-I.** 9.00 — «Время». 9.45 — «Саёҳатчилар клуби». 10.45 — «Кузги марафон». Бадиий фильм. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Концерт. 16.55 — «Бил ва уддала». 17.25 — Мультфильм. 17.45 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 18.15 — А. Литвиненко куйлайди. 18.40 — Сўзни амалда иш билан оқла. 19.10 — «Дунё воқеалари». 19.25 — «Янги ўқув йилининг бошланишига». 19.40 — «Дунё ва ёшлар». 20.10 — «Қўзғолон тарихи». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Шахмат. Жаҳон чемпионати. 22.15 — «Олам кинокамера кўзгусида». 23.15 — «Дунё воқеалари». 23.25 — Енгил атлетика. Европа чемпионати.

**МОСКВА-II. 9.00 —** Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — Мультфильм. 9.50 — «Горнчилар, қаердасиз!» 10.20 — Хор куйлари шинавандаларига. 10.50 — «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 11.20 — «Шахмат мактаби». 11.50 — «Кичик шаҳзода». 2-қисм. 12.25 — «Шаҳар товушлари». Бадиий фильм, 5 ва 6-сериялар. 13.55 — Испан тили. 14.25 — «Оловли аллегро». Бадиий фильм. 15.50 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Янгиликлар. 16.15 — «Денгиздагилар учун». Бадиий фильм. 17.40 — Концерт. 18.00 — «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Қишлоқ янгиликлари». 19.50 — «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — Ритмик гимнастика. 21.15 — Халқ куйлари. 21.30 — «Время». 22.05 — «Шаҳарлик ўроқчилар». Бадиий фильм. 23.10 — «Поэзия».

**ТОШКЕНТ-I.** 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 — «Беш йиллик одимлари». 8.10 — Телефильм. 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильмлар. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Ёшлик». 18.45 — Янги ўқув йилингиз билан». 19.00 — «Нозneъмат бунёдкори». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Давлат транспорти: кимга хизмат қилади?» Қўшма рейд. 20.30 —«Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бўстон». 23.15 — «Бугун оламда нима гап?».

**ТОШКЕНТ-II.** 9.00 — 16.15 — Москва-II. 18.00 — Телефильм. 18.25 — Музикали кўрсатув. 19.00 — «Оқланган исм». Бадиий фильм. 20.15 — «Спорт кинопанорамаси». 21.00 — «Беш йиллик: ишлар ва одамлар». 21.30 — Москва-II.

## 29 август, жума

**МОСКВА-I.** 9.00 — «Время». 9.45 — «Қўзғолон тарихи». Бадиий фильм, 1-серия. 11.00— «Рус миниатюралари». 11.20— «Дунё ва ёшлар». 11.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — «Рус тили». 16.20 — «Сирли ўғирлаш». Бадиий фильм. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 18.35 — «Ҳамдўстлик». 19.05 — «Дунё воқеалари». 19.20 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 19.50 — «Шу куннинг почтаси». 20.20 — «Қўзғолон тарихи». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Спорт—86». 23.15 —«Дунё воқеалари». 23.30 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 23.50 — «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».

**МОСКВА-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.40 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.25 — «Онамларнинг мактаби». 10.55 — «Шаҳарлик ўроқчилар». Бадиий фильм. 12.00 — Болалар рақс коллективларининг чиқиши. 12.30 — «Шаҳар товушлари». Бадиий фильм, 7-серия. 13.20 — Мультфильм. 13.30 — Инглиз тили. 14.00 — «Минорани эҳтиёт қил». Бадиий фильм. 15.10 — Иркутск телевидение студиясининг программаси. 15.45 — Янгиликлар. 15.50 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Фильм-концерт. 16.50 — Н. Тихонов. «Йиллар ва йўллар». 17.30 — «Бизнинг хонадонимиз». 18.00 — «Цирк». 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Саёҳатчилар клуби». 19.50 — «Совет ватанпарвари». 20.00 — «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.45 — «Ўсимликлар дунёси». 21.30 — «Время». 22.05 — «Зимдан отилган ўқ». Бадиий фильм. 23.35 — Пианиночи П. Донохоу чалади.

**ТОШКЕНТ-I.** 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50—«Салом, кичкинтойлар!» 8.00 — «Ёшлик». 8.20— «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильмлар. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 —Мультфильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телефильм. 20.00 — «Социалистик мусобақа — ютуқлар гарови». 20.30 —«Ахборот». 22.05 — «Дўстлик экрани». 23.05 — «Эртага — премьера».

**ТОШКЕНТ—II. 9.00 — 15.50 —** Москва-II. 18.00 — «Инсон болаликдан бошланади». 18.35 — Телефильм. 18.45 — «Тенгдош». 19.30 — Ритмик гимнастика. 19.50 — «Ўша кунларда». Бадиий фильм. 21.00— «Тошкент областининг 414 минг тонналик «оқ олтин»и учун». 21.30 — Москва-II.

## 30 август, шанба

**МОСКВА-I.** 9.00 — «Время». 9.45 — Ҳужжатли фильм. 9.55 — «Қўзғолон тарихи». Бадиий фильм, 2-серия. 11.05 —«Здоровье». 11.50 — Ҳужжатли фильм. 12.20 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 13.05 — «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». 13.35 — Ота-оналар куни — шанба». 14.05 — Мультфильм. 14.15 — Фестиваль позивнойлари. 14.45 — «Инсон. Ер. Коинот». 15.30 — «Дунё воқеалари». 15.45 — «Мамлакат олий ўқув юртлари ва техникумларида янги ўқув йилининг бошланишига». 16.00 «Ҳайвонот оламида». 17.00 — «Киноафиша». 18.00 —«9-студия». 19.00 — «Йигитларнинг гули». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 21.30 — «Время». 22.05 — «Шанба оқшомида». 23.50 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 00.10 — Янгиликлар.

**МОСКВА-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.20 — «Тонгги почта». 9.50 — Ритмик гимнастика. 10.35 — «Сиз яратган боғ». 11.05 — Болалар учун фильм. 13.25 — Сув чанғи спорти. СССР чемпионати. 13.50 — «Музикали этюд». 14.10 — «Мистер Мак-Кинлининг қочиши». Бадиий фильм, 1-серия. 15.20 — Ёзувчи Фёдор Абрамов билан учрашувлар. 16.20 — «Ерда, самода ва денгизда». 16.50 — «Макар ҳақида хотира». Спектакль. 18.15 —Фильм-концерт. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.45 — «Менинг Франц Легарим». Музикали спектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — «Кобулдаги миссия». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

**ТОШКЕНТ-I.** 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — «Ленин ҳақида ҳикоялар». 8.10 —Қўғирчоқ фильм. 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Телефильм. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильм. 9.50 — «Санъат ғунчалари». 10.15 — «Кинодакция почтасидан». 11.00 — «Тошкент ва тошкентликлар». 11.30 — Телефильм. 11.50 — «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 12.20 — «Театр учрашувлари». 13.15 — «Ўсмирлар коинотда». Бадиий фильм. 14.30 — «Замондас». 15.30 — «Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганамиз» 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Болалар учун концерт. 18.55 — «Мактаб ислоҳотига — диққат ва эътибор». 19.10 — Болалар учун фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Сиҳат-саломатлик». 20.15 — Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 —«Калаванинг учи...» Телефельетон. 22.35 — «Қўшиқ ёзувчи шоирлар».

**ТОШКЕНТ-II. 17.55 — Тожикистон телевидениесининг программаси.**

## 31 август, якшанба

**МОСКВА-I.** 9.00 — «Время». 9.45 — Ритмик гимнастика. 10.15 — «Спортлото». 10.25 — «Будильник». 10.55 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.55 — «Тонгги почта». 12.25 — «Саёҳатчилар клуби». 13.25 — «Музикали киоск». 13.55 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.55 —«Сизга манзур адабиётлар». 15.35 — «Ислоҳот йўлларидан». 15.50 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 16.20 — Ҳужжатли фильм. 17.15 — «Оқ тулпор — дардим эмас». Спектакль. 18.35 — «Халқаро панорама». 19.20 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 19.50 — Мультфильм. 20.05 — «Телетомошабин ҳамроҳи». 20.35 —Опера саҳнаси усталари. 21.30 — «Время». 22.00 —Футбол. «Динамо» (К) — «Торпедо». 23.45 — Янгиликлар.

**МОСКВА-II.** 9.00 — «Зарядкага сафланинг!» 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 10.05—Мультфильм. 10.30 — «Рус тили». 11.00 — «Музика — менинг ҳаётим». 11.45 — Эстония телевидениесининг программаси. 13.00 — «Дунё ва ёшлар». 13.30 — «Мистер Мак-Кинлининг қочиши». Бадиий фильм, 2-серия. 15.10 —Реклама. 15.15 — «Терговни билимдонлар олиб боради». Бадиий фильм 1 ва 2 сериялар. 17.45 — Сув чанғи спорти. 18.10 — «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 19.05 — «Театр мемуарлари». 20.00 — Спорт гимнастикаси. 20.45 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 21.00 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 21.30 — «Время». 22.00 — «Герцогиня Герольштейнская». 23.45 — Футбол. «Спартак» — «Динамо».

**ТОШКЕНТ-I.** 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Ҳужжатли фильм. 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Телефильм. 9.40 — «Биргаликда куйлаймиз». 10.00 — «Истеъдод». 10.20 — «Шахмат мактаби». 11.00 — Концерт. 12.00 — «Ёз кунларининг бирида». Бадиий фильм. 13.05 — «Умид». 14.35 — «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 15.05 —«Китоб—дўстимиз». 15.50 — Реклама. 18.10 — Фильм-эртак. 18.30 — «Салом, мактаб, хайр боғчажон!» 19.00 — «Бугун — Шахтёрлар куни». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Мультипанорама». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Шахтёрлар кунига бағишланган концерт. 21.30 — «Время». 22.05 —«Инсон ва замин». 22.35 — «Вир кулишайлик».

**ТОШКЕНТ-II. 16.30 — Қирғизистон телевидениесининг программаси.**

